Биография

Сайёра Низомиддинова



Сайёра Низомиддинова 1935 йилда Андижон вилояти Москва районида хизматчи оиласида туғилди. 1950 йилда 1-ўрта мактабни, 1954 йилда Улуғбек номидаги Фарғона Давлат педагогика институтининг тил ва адабиёт факультетини имтиёзли диплом билан тугатди.

1955—58 йилларда ЎзССР Фанлар академиясининг А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти аспирантурасида ўқиди; 1961 йилда академик К. К. Юдахин раҳбарлигида “Ўзбек тилида сон” деган мавзуда кандидатлик диссертацияси ёқлади.

С. Низомиддинова 1966 йилгача А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтининг ҳозирги замон ўзбек тили секторида илмий ходим бўлиб ишлади. Кейин эса у Тошкент Давлат университетида ўзбек тилидан дарс берди.

Олиманинг илмий фаолияти кўпроқ ўзбек тилида сон категориясини ўрганиш билан боғлангандир. У ўзининг “Ҳозирги замон ўзбек тилида сон” деб номланган монографиясида сонларнинг лексик-семантик, морфологик ва синтактик хусусиятларини, уларнинг нумератив сўзлар билан қўлланиши, отлашиши каби ҳодисаларни анча мукаммал ёрита олган.

Асарлари:

1958 Ўзбек тилида соннинг пайт ифодасидаги роли. “Ўзбек тили ва адабиёти масалалари” журнали, 2, Тошкент.
Соннинг нумератив сўзлар билан қўлланиши. “Ўзбек тили ва адабиёти масалалари” журнали, 2-сон, Тошкент.
Сонларнинг грамматик хусусиятларига доир. “Ўзбек тили грамматикаси ва пунктуацияси масалалари”, тўплам, Тошкент.
Фурқат шеърларининг хусусиятлари ҳақида. “Фурқат”, тўплам, Тошкент.

1960 Бир сони ва унинг маънолари ҳақида. “Тилшунослик масалалари”, тўплам, 1, Тошкент.

1961 Сонлар иштироки билан тузилган барқарор бирикмалар. “Тилшунослик ва адабиётшунослик масалалари”, тўплам, 2, Тошкент.
Сонларнинг маънолари. Юқоридаги тўплам, 2, Тошкент.

1963 Ҳозирги замон ўзбек тилида сон. Тошкент.

1966 Сон ва олмош. “Ҳозирги ўзбек тили”, 1-китоб, Тошкент.

Copyright © 2022
All Rights Reserved.